

Келишув (Келишувлар). Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўғрисидаги шартлари ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент рақамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидаги махфус модаларнинг тарифлар, индивидуал тариф тақрифлари ушбу Шартноманинг ажратмас қисми ҳисобланади.

3. Алоқа хизматларининг кўрсатиш тартиби

3.1 Ушбу Шартнома имзолангандан сўнг Алоқа хизматларини кўрсатиш бораёлаётган Операторнинг мажбурияти Абонент дастлабки бўнак тўловини киритгандан кейин юзга келди.
Кейинчалик, Абонентнинг шахсий ҳисобоварида ижобий баланс мавжуд бўлганда Оператор Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатишга мажбур.

Оператор ушбу Шартномага қўшимча келишув асосида Абонентга унинг шахсий (электрон) ҳисобоварида салбий баланс бўлганда ҳам Алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини беришга ҳақли. Бунда тўлов мuddати, тўловни кечиктирилган режимида амалда ошириш имконияти билан, Алоқа хизматларидан фойдаланиш мuddати бўлган эҳтимоллик ва бошқа шартлар кўрсатишган бўлиши керак.

3.2 Абонент Алоқа хизматларидан фойдаланиш учун унда Абонент курилмаси бўлиши керак. Абонент ушбу Абонент рақамларидан (SIM-карталардан) фойдаланишда ишлатмоқчи бўлган абонент курилмасининг тури (мобил телефон, USB-модем, электр энергияси сува газ ҳисоблагичлари, онлайн тўловлар терминаллари ва бошқалар) ушбу Шартномага қўшимча Келишувларга кўрсатилади. Бунда Оператор Абонентга Абонент курилмасини тақдим этишга, шунингдек унинг Абонент курилмасини, аппарат ва дастурий таъминотини соzлаб беришга мажбур эмас.

3.3 Оператор Келишув асосида Шартнома амал қилаётган давр учун Абонентга Оператор тармоғига кириш имкониятини таъминлай оладиган Абонент рақами ёки Алоҳида тоифадаги абонент рақамини ва SIM-картани (SIM учун QR-код кўрсатишда идентификация профилини тақдим этиди. Бешта ва ундан ортиқ абонент рақамлари Абонент шунга рақамга эҳтиёж борлигини ёзма равишда асослаб бергандан кейингина уланади.

3.4 Алоқа хизматлари Оператор томонидан хар куни, кеча-ю кундуз (сўтказига 24 соат), танаффусларсиз кўрсатилади, фақат зарур профилактика ва таъмирлаш ишлари бажариладиган вақтлар булдан мустасно.

Профилактика ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган, шунингдек йирик авариялар юз берган ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишга сарфланган вақт Алоқа хизматларини кўрсатишдаги танаффус ва (ёки) Алоқа хизматлари кўрсатишнинг белгиланган мuddатларини бузиш ҳисобланмайди.

Оператор тармоғида йирик авариялар юз бериб, бунинг оқибатида Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтаб қолган ҳолларда Оператор Абонентга бу ҳақда, шунингдек Алоқа хизматлари қачон яна кўрсатила бошлайиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ёки Операторнинг веб-сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан хабар бериши шарт.

Абонент курилмасидаги, бошқа операторлар тармоғи ускуналаридаги (шу жумладан шаҳар телефон тармоғидаги) носозликлар Хизматлар кўрсатишдаги танаффуслар ҳисобланмайди.

3.5 Абонентга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ягона рақамларни териш орқали кеча-кундуз ишталган вақтда шошилич тезкор хизматларни бепул чакiriш имконияти таъминланади. Бу рақамлар

- 101 – Ўт ўчириш хизмати;
- 102 – ички ишлар органлари (милиция);
- 103 – тез тиббий ёрдам;
- 104 – газ тармоғи авария хизмати;
- 1050 – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кутқарув хизмати;
- 112 – ягона шошилич хизмат.

3.6 Операторнинг Алоқа хизматлари сифати Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган техник нормаларга мос келади ҳамда Операторга берилган лицензиялар талабларига жавоб беради.

3.7 Абонентга кўрсатиладиган Алоқа хизматлари, Оператор тармоғининг конструктив хусусиятлари сабабли, Операторнинг вақолатлари доирасидан ташқарида бўлган бошқа уяли алоқа операторлари, маҳаллий симли телефон линиялари операторларининг ускуналари, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларининг ускуналари сифати ва бонлиқдир.

3.8 Абонент махфий сўзни айтиб, Операторнинг Маълумот бўлиmidан ахборот олишга ҳақли. Абонент Махфий сўзини айтилганда Оператор унга хизмат кўрсатиш процедураси тўғрисида тузлик маълумот бериш мажбуриятини олади.

3.9 Қуйидаги ҳолатлар оқибатида алоқа сифати ёмонлашса ёки алоқа узилса, бунинг учун Оператор жавобгар бўлмайди.

а) радиотўлқинлар табиий тарзда тарқалиши ва устмас-уст келиб қолиши;

б) Абонент электр узатиш линиялари, бинолар яқини ёки яқинда, ер ости йулларида, ертўзаларда ва бошқа ер ости ишловотларини, булардан фойдаланиш;

в) рельеф ва қурилишларнинг маҳаллий хусусиятлари;

г) маҳаллий симли телефон линиялари операторлари ҳамда халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларига тегишли ускуналарнинг техник таъсирлари ва ҳолати, метеорологик шарт-шаронг таъсирини;

д) Абонент носоз (белгиланган талабларга жавоб бермайдиган) Абонент курилмасидан ёки ишлаб чиқарувчи ёки Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган ёки модификацияланган ёки соzловлари Оператор таъминларига мос келмайдиган, Абонент курилмасидан фойдаланиши;

е) Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган таъмирланган, модификацияланган SIM-картадан фойдаланиши;

ё) eSIM Абонентнинг хатти-ҳаракатлари натижасида ўзгартирилган, алмаштирилган, модификацияланган, шикастланган абонент курилмасида қўланилганда;

ж) Оператор таъсир кўрсата олмайдиган ёки олдидан белгиланган бошқа сабаблар тўғрисида, шу жумладан ушбу Шартноманинг 3.7-бандида қўзда тутилган ҳолатларда.

3.10. Оператор Абонентнинг сўрови асосида Контакт-провайдер томонидан Оператор тармоғи орқали тарқатиладиган

Контентнинг сифати (тақдим этилмаслиги, ўз вақтида етиб бормаслиги ва ш.д.м.) учун жавоб бермайдди.

3.11. Оператор учинчи томон етказиб берган ва Оператор тасвир қилмаган амалий дастурий таъминот (ўри ишларини қишлоқлашмайдди ва бунинг учун жавобгар бўлмайдди, "Интернет" тармоғида ўриятилган маълумот сервисларининг ишга арокатиши ҳамда Абонент қурилмасининг амалий дастурий таъминоти бўлмай сервисларини дастурий таъминоти билан мос келиши учун жавоб бермайдди.

3.12. Абонент Алока хизматларидан Шахсий мақсадлардагина фойдаланиши шарт. Бунда Абонентга қуйилган тар таққилангани

а) Абонент рақамидан лотереялар, овоз беришлар, ташловлар, викториналар, реклама, сўроқлаш тadbирлари, Оператор билан келишилмаган оммавий хабар жўнатилларда, катъий белгиланган алоқа, Интернет-телефония тармоқларига кириш шлюзларини ўриатишида ҳамда Абонент ўсқулашининг ва (ёки) алоқа қурилмаларининг иш қобилияти бузилишига олиб келувчи бошқа тadbирларни ўтказишида фойдаланиши;

б) учинчи шахсларга Оператор тармоғига уланган SIM-картадан GSM-шлюзлар орқали ва/ёки унга бир ёхуд бир нечга телефон аппаратурини ёки ташқи миш-АТС линиясини улаш имконини берувчи бошқа қурилмалар орқали фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

в) ўзининг Абонент қурилмасидан дастурий таъминотни тарқатиш, IP-магилларни сохталантириш мақсадида Алоқа хизматларидан фойдаланиш, Оператор ва (ёки) Оператор билан болиқ учинчи шахсларнинг тармоти нормал ишлашига тўғривик қилувчи хатти-харакатларни содир этиш, Алоқа хизматларидан GSM-шлюзларда ва катъий белгиланган алоқа тармоғига, Интернет-телефонияга кириш шлюзларидан фойдаланиши.

3.13. Абонент Шартномани ўзи истаган вақтда бир томонлама тартибда бекор қилишига ҳақли. Лекин Абонент бу ҳақда Операторни камида 10 (ўн) иш кунин олдидан хабардор қилиши ҳамда Алоқа хизматлари учун Оператор олдиданги мажбур қарзини ўзини шарт.

3.14. Оператор қуйидаги ҳолларда Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишига ҳақли:

а) Абонент Бўнак тўловини Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатилган сабадан бошлаб сурункасига 90 кун мобайлида амалга оширмаганда (қарзин сўндирмаганда);

б) Абонент мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи траққияларни сурункасига 90 кун мобайлида амалга оширмаганда;

в) ижро учун имконият бўлмаганда (Оператор тармоғига кириш имконини беришининг ёки Абонент сўраган Алоқа хизматларини кўрсатишининг Техник имкониятидан маҳрум бўлилганда);

в) Абонент Шартномада белгиланган Алоқа хизматларидан фойдаланиш қоидаларини бузганда, хусусан булга GSM-шлюзлардан фойдаланиш сабаб бўлганда, Оператор тармоғида товушли траққияли узатиш тартибини бузганда. Булда Абонент Операторга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади;

г) Абонент тугатилганда;

д) давлат органининг ҳужжати қабул қилишиб, бунинг оқибатида Тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришлари имконсиз бўлиб қолганда;

е) ушбу Шартномада ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

3.15. Абонент ходимларининг абонент маълумотлари базасига киритилган шахсий маълумотлари, шу жумладан телекоммуникация сирни ҳисобланувчи маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларининг сўровига қўра тақдим этиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.16. Оператор Абонент ходимларининг шахсий маълумотларига ишлов беришни Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб Оператор Абонент ҳақидаги ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги ахборотни сақлашни шарт бўлган муддат тугатунича қилиб белгиланадиган муддат мобайлида амалга оширади.

4. Операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда янги Тариф режаларини (Хизматларини) жорий этиш ва (ёки) Хизматлар кўрсатишининг (Тарифларининг) амалдаги шартларига ўзгаришлар киритиш орқали Алоқа хизматларини кўрсатиш шартлари, шу жумладан Тариф режаларининг шартларини белгилаш.

4.1.2. Абонент Шартнома шартларини, жумладан Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатларини бузган ҳолларда, Абонент GSM-шлюзлардан фойдаланаётгани белгиларини мустақил равишда ёки бошқа операторларнинг маълумотлари асосида аниқлаган тақдирда Алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб қўйиш. Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатлари бузилган учун Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатиб қўйилганда Абонентнинг шахсий ҳисобоварағида салбий баланс юзга келган вақтдан бошлаб 90 календарь кун мобайлида қарз узилган тақдирда Алоқа хизматлари яна тақдим этила бошланади.

4.1.3. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобоварағиданги мажбур пул маблағларини Абонентнинг бошқа барча Шахсий (электрон) ҳисобоварақларидаги қарздорликни сўндириши учун чиқариб олиш.

4.1.4. Радиотелефон орқали улашининг максимал давомийлигини белгилаш (чеклаш).

4.1.5. Абонент махсус тарифлар (тариф режалари) ёки хизматлар тўқамаларидан Оператор белгиланган талабларга милоф равишда ноўрин фойдалангани аниқланган ҳолларда, Абонентни 15 календарь кун олдидан огоҳлантириб, уни бошқа тариф режасига ўтказиш.

4.1.6. Абонент товушли траққияли узатиш тартибини бузганини аниқлаган ҳолларда Абонентга хизматлар кўрсатишни тўхтатиш.

4.2. Операторнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4.2.1. Ушбу Шартнома амал қиладиган давр учун Абонентга Абонент рақами ёки Алоҳида тоифалаги Абонент рақами ва SIM-карта бериш eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини тақдим этиш.

4.2.2. Абонентга сифати ваколатли органлар белгилайдиган параметрларга (Уланиш, маълумот жуънатиш, алоқани узиш борасида), шунингдек Оператор тармоғида қўлланиладиган стандарт техник нормаларга мос келувчи Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.3. Абонент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақтда ушбу Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.4. Абонентга Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари ҳақида тўғри ахборот бериш.

4.2.5. Алоқа хизматлари кўрсатилиши давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш.

4.2.6. Абонентга қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш.

4.2.7. Оператор Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг бошқа алоқа операторлари билан тегишли Шартномалар тузган бўлса, Абонентга бу тармоқлар абонентлари билан радиотелефон орқали улашишни таъминлаш. Ушбу шарт фақат Абонент мазкур хизматни муваққат фаоллаштирган тақдирда ёки агар бу хизмат Абонент таллаган Тариф режасига киритилган бўлса, қучга эгадир.

4.2.8. Алоқа хизматлари ҳақи туланмагани учун Оператор тармоғидан узиб қўйилган Абонентни унинг шахсий ҳисобварағида салбий баланс юзага келган вақтдан бошлаб 90 календарь кун ичида фойдаланилган Алоқа хизматлари ҳақини тўлашга доир қарзлар тугатилиб (сўндирилиб), Абонент таллаган Тариф режасига мувофиқ миждорда бўнак тўлови киритилгач, Оператор тармоғига улаш.

4.2.9. Хизмат кўрсатиш ҳудудида мобил алоқа тармоғи қўлланилаётган стандартнинг техник нормаларига мувофиқ ишлашини ҳамда Абонентга шоянчи тезкор хизматларни кеча-қундуз бепул қақариш имқониятини таъминлаш.

4.2.10. Ушбу Шартномаи бажариш давомида Операторга маълум бўлган Абонент Шахсий маълумотларини ҳимоялаш чораларини кўриш.

5. Абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Мазкур Шартнома шартларига биноан Алоқа хизматларидан фойдаланиш.

5.1.2. Оператор офислари, уларнинг иш вақти ва Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари тўплами ҳақидаги зарур ва тўғри маълумотлардан фойдаланиш.

5.1.3. Ҳисоб-китоблар тартибини, Тариф режасини, кўрсатилаётган Алоқа хизматлари тўпламини Операторнинг техник имқониятларини ҳисобга олган ҳолда, Оператор белгиллаган тартибда ўзгартириш.

5.1.4. Оператор тармоғига уланишда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва тартибда, Оператор талабларига мувофиқ тарзда Абонент қурилмасидан фойдаланиш.

5.1.5. Ўзига Алоқа хизматлари кўрсатишни тўхтатиш Операторни ўз ташаббуси билан хабардор қилиш.

5.2. Абонентнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

5.2.1. Алоқа хизматларидан фойдалана бошлашдан олдин долларб Алоқа хизматлари рўйхати, Тариф режалари, Алоқа хизматлари учун тарифлар (шу жумладан Роумингдан фойдаланганда қўлланиладиган Алоқа хизматлари тарифлари) ҳамда Оператор ва у тақдим этаётган алоқа хизматлари ҳақидаги бошқа зарур маълумотлар билан танишиш.

5.2.2. Ўзбекистон Республикасида белгиланган стандартларга жавоб берадиган Абонент қурилмасидан уни ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш бўйича йўриқномасига мувофиқ фойдаланиш. Буида қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

а) муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони, метрополитен ва ҳ.к.) амалда бўладиган алоҳида фармойишлар ва қоидалар;

б) ҳалал берувчи шовқин ёки хавфли вазият юзага келиши эҳтимоли бор ҳолатлардаги чекловлар; тибонёт муассасалари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, ёнилги сакланадиган ва ортнлидиган ҳудудлар, портлаш ишлари олинб бориллаётган жойлар ва ҳ.к.;

Оператор бу чекловлар ва талаблар тўғрисида Абонентни хабардор қилишга мажбур эмас.

5.2.3. Алоқа хизматлари ҳақини Шартнома шартларига биноан ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартиби, талланган Тариф режаси, Алоҳида хизматлар тўпламлари ҳамда сотиб олинаётган Алоқа хизматлари рўйхатига мувофиқ ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб бориш.

5.2.4. Операторга ҳужжатлар билан тасдиқланган Абонент ҳақидаги маълумотларини, хат-хабарларини етказиш учун аниқ электрон ва/ёки почта манзилини, банк реқвизитларини ҳамда Шартнома ижро этилиши учун керакли бошқа маълумотларни Операторга у белгиллаган ҳажмда тақдим этиш.

Ушбу бандда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда шундай ўзгаришлар санасидан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун мобайлида Операторга янги маълумотларни ёзма шаклда тақдим этиш.

Оператор тегишли хабарни олган савдан бошқаб, Алока хизматлари Абонентнинг нотта маълуми хавфли янги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилади

5.2.5. Хуқуқларни тавсис ҳужжатлари ёки қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома асосида иш олиб борушни таъкид орқали амалга ошириши.

5.2.6. SIM-карта/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили йўқлиги тўғрисида Операторга Ахборот маълумот маркази (Call-центр) орқали дарҳол хабар бериб келинмади Операторнинг офисида ёзма ариза тақдим этиш

Агар Абонент бу шартларга риоя этмаса, токи Оператор SIM-карта/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили йўқлиги ва хизматлар кўрсатиши кераклиги тўғрисида Абонентнинг аризасини олгунига қадар йўқолган SIM-карта бўйича кўрсатилган Оператор хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасига тушади

5.2.7. SIM-карта/eSIMда шифрланган ва Операторнинг тижорат сири ҳисобланувчи ахборотни учинчи шахслар ололмаглигини таъминлаш, SIM-картадаги/eSIMда шифрланган маълумотлар билан қуйидаги хатти-харакатларни амалга оширмаглик ҳамда учинчи шахсларга ҳам бундай имкониятни бермаслик ахборотни ўзгартириш, чиқариб олиш, пусқа кўчириш, қўлайтириш, тарқатиш, бошқа ахборот ташин воситаларига ўтказиш, бошқа ҳуқуққа қарши хатти-харакатлар

5.2.8. SIM-картанинг/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили дубликатларини тайёрламаслик, шунингдек учинчи шахслар томонидан шундай харакатлар содир этилишига йўл қўймаслик. Абонент бу мажбуриятни бажармаган тақдирда, унинг айби билан Оператор ва у билан боғлиқ шахслар кўрган зарарларини Абонент тўлашга мажбур бўлади.

5.2.9. Абонент рақами (SIM-карта/eSIM)дан фойдаланишда Келишувда тури кўрсатилмаган абонент курилмасини қўлдамаслик.

6. Алока хизматларининг тарифлари ва хисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. Тариф режаларининг шартлари, Алоқда хизматлар тўловларининг ва бошқа Алока хизматларининг тарифлари, жумладан Алоқда тоифадаги абонент рақамини бериш, конструктор режимидаги махсус мослашувчан тарифларни тақдим этиш шартлари ва тартиби, шунингдек радиотелефон орқали улашиш лаомийлиги, Алока хизматлари нархлари бирлиги ҳамда тўлиқсиз нархлаш бирлиги учун ҳақ тўлаш тартиби Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади.

6.2. Тариф режалари (Тарифлар)нинг шартларига ўзгартишлар Оператор томонидан бир томонлама тартибда киритилади. Бу ҳақдаги тегишли маълумот Операторнинг веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади ёхуд Оператор учун мақбул бўлган бошқа усулда Абонентларга етказилади.

Тариф режалари (Тарифлар)га киритилган ўзгартишлар тегишли ахборот Операторнинг веб-сайтида жойлаштирилганидан (эълон қилинганидан) кейин 10 (ўн) кун ўтгач кучга киради.

6.3. Алока хизматларининг тарифлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда белгиланади. Кўрсатилган Алока хизматлари учун барча тўловлар (дастлабки бўлак тўлови, бундақ тўловлари, мавжуд қарзни сўндириш учун тўловлар) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобнарағида акс эттирилади.

Алока хизматлари учун тўланган пул маблағларини Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобнарағида акс эттириш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

6.4. Алока хизматлари қиймати қўшилган киймат солигини ҳам ўз ичига олади, лекин қонунчиликда бошқа ҳолат кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Абонент қуйидаги тўловларни амалга оширади:

6.5.1. Абонент тўлови;

6.5.2. Оператор тармоғида радиотелефон орқали чиқувчи улашишлар ва бошқа операторларнинг рақамларига радиотелефон орқали чиқувчи улашишлар;

6.5.3. маълумот узатиш тармоғи бўйича улашишлар (кейинги ўринларда – алока сессиялари);

6.5.4. Роумингда радиотелефон орқали чиқувчи ва кирувчи улашишлар;

6.5.5. чиқувчи СМСлар;

6.5.6. бошқа хизматлар, шу жумладан Коопет-провайдерлар ва бошқа учинчи шахслар томонидан Оператор тармоғи орқали таъдим этиладиган хизматлар.

6.6. Тўлов радиотелефон орқали улашишлар/алока сессияларининг лаомийлиги ҳамда радиотелефон орқали улашиш алоқасининг тегишли турига қараб, Алока хизматларини кўрсатиш вақтида амалга бўлган Тариф бўйича амалга оширилади.

6.7. Ушбу Шартнома бўйича алоқа хизматларининг умумий қиймати 360000 (сўми) билан, 90 юз сатпендик (сўми) қиймати 100000 (сўми) билан, 100000 (сўми) қиймати 100000 (сўми) билан.

6.8. Абонент Алока хизматлари ҳақини Операторнинг банк ҳисобнарағига шактсиз шавқла қуйидаги тартибда тўлаши

в) ушбу Шартноманинг 6.7-бандида кўзда тутилган Алока хизматлари йиллик кийматиининг 30% миқдоридagi дастлабки бўлак тўлови ушбу Шартнома унинг 9.8-бандида белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 14 (ун тўрт) календарь жўн мобайнида амалга оширилади.

Дастлабки бўлак тўлови киритилмаслиги Абонент ушбу Шартномани бажариши рад этганлигини билдиради.

б) Алока хизматлари учун кейинги тўловлар Абонент томонидан хар ойда, Оператор тугаган ой учун тўловнома-фактура такдим этган вақтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичида амалга оширилади.

6.9. Тўловнома-фактурада Алока хизматлари киймати ва қўшилган киймат солигининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

Тўловнома-фактура электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади.

Абонент электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор томонидан расмийлаштирилган, жумладан тўлови Кафиллик шартномасига мувофиқ Кафил томонидан амалга ошириладиган хизматлар бўйича тўловнома-фактураларни ўз вақтида тасдиқлаши шарт.

6.10. Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағидан Операторнинг АХЖТда хисобланадиган суммалар Оператор белгиланган тарифларга ва Абонент томонидан танланган тариф режаси шартларига мувофиқ автоматик тарзда ечиб олинади.

6.11. Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағида салбий баланс юзага келганда Оператор Абонентга Алока хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб туришга, жумладан давом этаётган сўбатни узиб қўйишга ҳақли.

6.12. Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағидаги маблағларни у фойдаланаётган Алока хизматлари миқдорига дарҳол ечиб олишнинг имкони бўлмайдиган ҳолларда фойдаланилган Алока хизматлари учун хисобланган тўловлар кечиктирилган режамда тўланади. Агар Абонент Шахсий (электрон) хисобварағининг баланси тўпланган суммалар қайта хисобланганидан кейин салбий кўрсаткичга эга бўлса, Тарафлар Абонентнинг Оператор олдидаги бундай қарзини баҳе-мунозарасиз қарздорлик деб белгилайдилар.

6.13. Ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда, фойдаланилмаган ва Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағида турган сумма Такқослаш далолатномаси асосида уни хар икки Тараф имзолаган санадан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун ичида Оператор томонидан Абонентнинг банкдаги хисобварағига нақдсиз шаклда қайтарилади.

Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағида қолган (сарфланмаган) сумма Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда қайтарилади.

Ушбу Шартнома бекор қилинадиган ҳолларда:

а) Оператор тармоғига кириш имкони берилгани учун тўлов қайтарилмайди;

б) ўтказилётган акциялар доирасида Оператор томонидан тақлиф қилинган бонуслар пул эквивалентида тўланмайди;

в) Абонентнинг мулки бўлган Абонент курилмаси сотиб олинмайди;

г) олинган Алоҳида тонфадаги абонент рақамини танлаш хизмати учун тўланган маблағ қайтарилмайди.

6.14. Абонент Операторга ёзма равишда мурожаат қилиб, фойдаланилган Алока хизматлари ҳамда Шахсий (электрон) хисобварақдан сарфланган маблағлар ҳақидаги батафсил маълумотларни Оператор белгиланган тарифлар бўйича олишга ҳақли.

6.15. Абонент ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган, лекин ҳақи тўланмаган Алока хизматлари учун Оператор томонидан хисобланган барча суммаларни сўзсиз эътироф этади.

6.16. Абонентнинг Алока хизматлари ҳақини тўлаш борасидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида учинчи шахс (кафил) билан кафиллик шартномаси (Оператор тасдиқлаган намунавий шаклда) тузилиши мумкин. Бу Шартномага қўра, учинчи шахс (кафил) Алока хизматлари ҳақини тўлаш борасида Абонентнинг Оператор олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бериш мажбуриятини олади. Оператор ва Абонентнинг кафил билан муносабатлари кафиллик шартномаси шартлари ҳамда кафиллик тўғрисида амалда бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

6.17. Абонент унинг бошқа барча Шахсий (электрон) хисобварақларидаги қарздорликни ёки аввалги Шартномалар бўйича мавжуд қарздорликни сўндириш учун Оператор Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағидаги мавжуд пул маблағларини чиқариб олишига ўз розилигини беради.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган тақдирда, Абонентнинг талабига қўра, Абонент талаб қилган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай, камчиликларни бартараф этиши шарт. Буида Оператор қўрилган зарар ўрнини қопламайди ва бошқа бирон тўловни амалга оширмайди.

7.2. Оператор такдим этган тўловнома-фактуралар бўйича алока хизматлари ҳақини тўлаш муддати кечиккан тақдирда Абонент Операторга кечиккан тўлов суммасининг 0,1% миқдорига, лекин кечиккан тўлов суммасининг 50%дан ошмайдиган ҳажмда пеня тўлайди. Неустойкани ундириш Тарафларнинг ҳуқуқи, лекин ушбу Шартнома бўйича сўзсиз бажарилиши шарт бўлган мажбурият эмас.

7.3. Абонент SIM-картани eSIM учун QR-код қўрилишидаги идентификация профилини йўқотиб қўйган тақдирда (йўқотган, ўтирилган ва бошқа ҳолларда) токи Оператор Абонентдан SIM-карта/ eSIM учун QR-код қўрилишидаги идентификация профилини йўқотгани тўғрисида ёзма ариза олгунига қалар, Алока хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасида бўлади.

7.4. Абонент телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи талаблар ва нормалар, шу жумладан Операторнинг SIM-картаси/абонент курилмасининг eSIM виртуал идентификация GSM-шлюзларга нақонуний улангани учун жавобгар бўлади.

7.5. Тарафлар олинмай қолган фойда тарзида қўрилган зарар қопланиши учун жавобгар бўлмайдилар.

